

**ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИНИ МОҲИЯТИНИ АНГЛАШНИНГ
ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ****Каримова Арофат Ҳасан қизи**


Аннотация : Бадиий таълимда, тасвирий санъат асарларини моҳиятини англашнинг психологик асосларининг концептуал асослари баён этилган.

Таянч сўзлар: ҳаёл, орзу, санъат, уйғунлик, ранг, мазмун, тасвирлаш, миллилик, руҳият, мантик, ой, колорит, ҳис-туйғу, психологик, ҳаёл нуқтаси, модел, анъана.

Аннотация: Концептуальные основы психологических основ понимания сущности произведений изобразительного искусства в художественном образовании.

Ключевые слова: воображение, мечта, искусство, гармония, цвет, содержание, представление, национальность, психика, логика, луна, цвет, эмоция, психологическое, точка мечты, модель, традиция.

“Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.”¹. Шу ўринда ўзбек рассомлари асарларини чуқур ўрганиш улардан тегишли хулоса чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Тоҳир Каримов (1972 йилда туғилган) ўзбек тасвирий санъатга XX аср охирларида ўзига хос ечимга эга асарлари билан кириб келди. У кўплаб тимсоллар ва композицияларини маҳобатли санъат ва дастгоҳли рангтасвирда яратди. Унинг мустақиллик йилларида яратган “Ой” (1995) портрет асари ўзига хос лирик асар



ҳисобланади

Асарни ғояси ўзбек аёлини ширин ҳаёли орқали ҳар бир инсон фоний дунёда ўз орзу-умидларига мақсадига, висолига ва бахтига эришиш ғоясини фалсафий сурати акс эттирилган. Қизнинг турғун ҳолатда тасвирланган бўлсада унинг кўзларини нурлари тинимсиз ҳаракатда эканлиги. Унинг кўз нурлари чексиз койнотдаги ўз ёрини яъни юлдузини, ёрини кутаётгани икки қўл бармоқлари бир бирини юпатаётгандек

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги йиғилишидаги Ўзбекистонда ислом маданияти марказини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида номли”Тошкент шаҳри, 2017 йил 23 июнь маърузасидан. Маърифат газетаси, 2017 йил 24-июн, №50 (9011). 135

психологик акс эттирилган. Унинг майда терилган сочлари мажнун тол каби эгилиб маюс холатда акс эттирилган. Қизнинг бир дона соч ўрамини ушлаб эркалаб туриши ўз мухаббатига, ўз орзусига қачон эришар экан? Деган психологик² тушкунлик холатда турган холда берилиши инсон қалбини титратади. Асар совуқ колортда бажарилиши асарни олдиға қўйилган ғоясини ечимини ечилишида ҳамда асардаги ғоялар тизимға бош ғоя уйғунлик берган. Суратдаги хаво ранг колортда бўлиб асосий ранг мовий ранг берилиш олам чексизлигини, оламда ҳар бир инсоннинг ўз орзу умидлари билан яшашини рамзий ифода этган.³ Қизнинг либосини яшил олинини она замин рамзида, яшил ранг исломий ранг эканлиги яъни қизнинг муслима аёл эканлигига ишора қилганлиги, она, аёл хуллас инсон борлиқнинг бир мўжизаси эканлигини рамзий акс эттирилган. Қора рангли сочлар қизнинг ёш эканлиги ёшлиқда ҳар бир инсонда мухаббат кўпригидан ўтишини ишора қилинган. Сочларнинг ҳар бир ўрамини инсонни бир кўркни эслатиб бу кунларни ўзига яраша мавҳум, қоронғилиқдан эканлигини ҳамда қизни бир дона соч ўрамини эркалаб ушлаб туриши ўша қизнинг кунининг ойдан ёшлиқ кечасида турганини эслатади. Асар контраст ранг орқали ҳаётни қарама-қаршилиқдан яъни тун ва кундан, оқ ва қорадан яъни дунё зиддият қарама-қаршилиқдан, эзгулик ва ёвузликдан иборатлигига фалсафий фикр берди. Палотнода қиз қорамтир оламдан ёруғлик сари интилаётганини динамик акс эттирилган. Тасвирий санъатда портрет энг мураккаб жанрлардан биридир. Мусаввир кам деталлар орқали тасвирланувчи дунёсини очиб бериши сурат ва сийрат уйғунлиги холатлар ва ўзига хос қонуниятларға амал қилиш лозим. Янги ой орқали асардаги қахрамонни ёш ва гўзаллигини ўз мухаббатига содиқликлиги, ўз орзуларига етишишсини, эришишини психологик холтада акс эттирилган кўз нурлари маюс лекин узоқни йўналганлигини кўрамиз лекин аёл мағрур ўз мухаббатига содиқ қолишлигини кўз қош ва лаблар орқали акс эттирилган. Мусаввир қиз суратини зебу-зийнатдан холи тасвирлайди. Оддийгина ҳар бир мовий либосда, қўлларида узуклар, билакузуклар, бўйнида маржонлару, тилла тақинчоқлар, қулоғида сирға балдоқлар тасвирланмаган. Бу эса қизнинг соф мухаббатини ва қалби поклигини ҳамда унга бойлик эмас соф мухаббат кераклигини тимсоллари билан акс эттиради. Мусаввир қизнинг суратини ишлар экан унинг қалбидаги дардни, мухаббатни, маюслик ўзига хос ғамгиллик шамоллари борлигини хис қилган. Композиция бош қахрамони тенг томонли учбурчакни эслатмоқда бу эса тен томонли учбурчак айрилиқни билдради. У ёруғлик контрастида жуда ўринли фойдаланиб қизнинг маюс нозини иккинчи ёруғликни ойда беради. Учунчи ғамгинлигини қорамтир хира рангда акс этади. Бу эса асардаги бош ғояни мухаббатни шиор сифатида баланд кўтаради.⁴ Айниқса совуқ рангларнинг (кўк, мовий, яшил, қора) ўзаро муносабатларда жуда нозик акс этади. Хулоса қилиб айтганда санъат асарларини ўрганар эканмиз, уларни бадиий таҳлил қилишда мантиқий, психологик ва фалсафий талқинига алоҳида эътибор бериш мақсадға мувофиқдир. Бундан ташқари

² Ғозиев Э. Психология. (Ёш даврлари психологияси). Т.: “Ўқитувчи”, 1994 йил. 174 – бет.

³ Булатов С.С. Саипова М.С. Бадиий таҳлил тамойирллари. (Монография) –Т.: “Фан ва технололгия”, 2016, 95-99-бетлар.

⁴ Муҳаббат, севги – бирор шахсга ёки кишилар груҳига, ғояга ёки амалий фаолиятга нгисбатдан интим ва кучли туйғу. (Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Дапвлат илмий нашрети. 2003 йил. 181-бет.)

асарларни таҳлил қилиш жараёнида юқорида кўрсатилган инновацион технологиялардан фойдаланиш, дарс самарадорлигини оширади.

Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги йиғилишидаги Ўзбекистонда ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида номли Тошкент шаҳри, 2017 йил 23 июнь маърузасидан. Маърифат газетаси, 2017 йил 24-июн, №50 (9011).
2. Ғозиев Э. Психология. (Ёш даврлари психологияси). Т.: “Ўқитувчи”, 1994 йил. 174 – бет.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2003 йил. 181-бет.
4. Булатов С.С. Саипова М.С. Бадий таҳлил тамойирлари. (Монография) –Т.: “Фан ва технология”, 2016, 137-141-бетлар.